

Набий алайҳиссалом тақводорларнинг пешвосидирлар | Ақийда дарслари (297- дарс)



19:00 / 07 октябрь 426

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Ва тақводорларнинг имомидирлар.

Шарҳ: Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам тақводорларнинг пешвосидирлар. Ким тақводорликни хоҳласа, фақат у киши соллаллоҳу алайҳи васалламга иқтидо қилиш билангина етишади.

Имом – ортидан бошқалар эргашадиган шахс деганидар. Бас, тақводорлар У киши соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашадилар. У киши иқтидо учун юборилганлар. Ким у кишига эргашса, иқтидо қилса, тақводорлардан бўлади.

Аллоҳ таолонинг қуйидаги ояти бунга далилдир:

اللَّهُ يُحِبُّكُمْ فَاتَّبِعُونِي اللَّهُ تَحِبُّونَ كُنْتُمْ إِنْ قُلْ

«Айт: «Агар Аллоҳни севсангиз, бас, менга эргашинг, Аллоҳ сизни севадир» (Оли Имрон сураси, 31-оят).

هَيْلَعُ هَلْ لَّا يَلَّصُ هَلْ وَقَو
مُكْدَحُ أُنْمُؤِي آلَ : مَلَسَو
أَمَلْ أَعَبَتُ هَاوَهَ نُوْكَي يَّتَح
مِي كَخْلَا هَجْرَخَا . «هَبُّ تُئِج
نُبِ هَلْ لَّا دُبَعُ نَعُ بِي طَخْلَاو
هَلْ لَّا يَضَرُّ صَاغْلَا نُبِ وَرْمَع
(أَمْ هَنْع).

Ҳамда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Сиздан ҳеч ким, токи ҳовои нафси мен келтирган нарсага тобе бўлмагунча, ҳаргиз мўмин бўла олмайди», деган ҳадислари (Ҳаким ва Хотиб Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилишган).

نِي لَسْرُمْلَا دِيَسَو

Ва пайғамбарларнинг саййидидирлар.

Шарҳ: Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳамма набийлар ва расуллардан кўра афзал ва шарафлидирлар.

Қуйидаги ҳадиси шарифлар бунга далилдир:

هَيْلَعُ هَلَلَا يَلَّصُ هَلُوقِ
مَدَا دَلَوُ دِيَّيَسَ أَنَا» : مَلَسَو
نَمُ لَوَأُو ، مَإِي قَلَا مَوِي
لَوَأُو ، رُبَقَلَا هَنَعُ قَشَنِي
هَأُورَ . «عَفَشُمُ لَوَأُو عِفَاشِ
يَضَرَّةَ رِيْرُهُ يَبَأُ نَعُ مَلَسُمُ
(هَنَعُ هَلَلَا

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Қиёмат куни мен Одам фарзандининг саййидиман. Устидан қабр биринчи ёриладиган шахсман. Биринчи шафоат сўровчиман. Биринчи шафоат қилинувчиман», деган сўзлари (Муслим Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган).

هَيْلَعُ هَلَلَا يَلَّصُ هَلُوقِ
ثِي دَحَلَوَأُو يَفَمَلَسَو
سَأَنَلَا دِيَّيَسَ أَنَا» : عَفَشَلَا

هُجْرًا) «مَآيَ قُلَا مَوِي
يِذْمُرْتَلَاوُ مَلْسُ مَوِي رَاخُبْلَا
يِبَا نُبَاوُ دَمَحَاوُ يِيَّاسُ نَلَاوُ
يِضَرَّ عَزِيْرُهُ يِبَا نَعَّ عَبِيْشِ
(هُنَّعُ هَلَلَا).

Ва шафоат ҳадисининг аввалидаги Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Қиёмат куни мен одамларнинг улуғидирман», деган сўзлари (Бухорий, Муслим, Термизий, Насоий, Аҳмад ва Ибн Абу Шайба Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилишган).

هَيَلَعُ هَلَلَا يَلَصُ هَلْوَ قَو
يَفَطْصَا هَلَلَا نَا «: مَلْسَو
لِيَعَامُ سَا دَلَوُ نَمَّ عَنَّا نَك
، عَنَّا نَكُ نَمَّ أَشْيَرُقُ يَفَطْصَاو
يَنَّبِ شَيْرُقُ نَمَّ يَفَطْصَاو
يَنَّبُ نَمَّ يَنَّا فَطْصَاو مَشَاه

مَلْسُومٌ هَآوَرٌ. «مِشَاهُ
نَبَاةٌ لَثَاوٌ نَعِيٌّ ذِمَّرْتَلَاوُ
(هُنَعٌ هَلَلَا يَضَرَّعُ قِسْأَلَا

Ҳамда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «**Албатта, Аллоҳ
Исмоилнинг авлодидан Кинона(қабиласи)ни танлаб олди. Кинонадан
Қурайшни танлаб олди. Қурайшдан Бану Ҳошимни танлаб олди.
Бану Ҳошимдан мени танлаб олди**», деган сўзлари (Муслим ва
Термизий Восила ибн Асқаъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилишган).

Мазкур ҳадисларнинг мазмунига қуйидаги ҳадиснинг мазмуни зоҳиран зид
келади:

هَيْلَعٌ هَلَلَا يَلَّصُ هَلْوَقٌ
يَلَعُ يَنْوُلُّ ضَفُتْ أَلَا «: مَلْسُومٌ
سَانَلَا نِإْفٌ ، يَسُومٌ
، مَآيْقَلَا مَوِيَّ نَوْقَعُ صِي
رِجَافٌ ، قِيْفِيٌّ نَمَلٌ وَأَنْوَكْأَفٌ
قَاسِبٌ أَشْطَابٌ يَسُومٌ
قَافَأَلَهُ يَرْدَأُ أَلَفٌ ، شَرَعُلَا

نَمِّمَنَّكَ وَأُ، يَلْبَقِ
هَؤُورًا) «؟ هَلْ لِي نَثْتَسَا
يَبَأَنَعُ مَلْسُومٌ وَيُرَاخُبُ لِي
(هَنَعُ هَلْ لِي يَضَرَّ رَؤْيَرُهُ).

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мени Мусодан афзал кўрманглар. Чунки қиёмат куни одамлар ҳушларига келганларида мен энг аввал ўзига келган шахс бўламан. Ўшанда Мусони Аршнинг тиргагидан ушлаб турган ҳолида кўраман. У мендан олдин ўзига келганми ёки Аллоҳ истисно қилганларданми, билмайман», дедилар».**

(Бухорий ва Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилишган).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу гаплари билан **«Фахр эмас-ку, мен одам боласининг саййидидирман»**, *(Термизий, Ибн Можа ва Аҳмад Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилишган)* деган гапларини қандай қилиб жамлаш мумкин?»

Жавоб шуки, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Мени Мусодан афзал кўрманглар»**, деган гапларининг сабаби бўлган. Бир яҳудий: «Йўқ! Мусони башарият устидан танлаб олган зот билан қасамки», деганида, бир мусулмон унга бир тарсаки уриб: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам орамизда туриб шу гапни айтасанми?! деган. Шунда ҳалиги яҳудий келиб, ўзига тарсаки урган кишидан шикоят қилганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам юқоридаги гапни айтганлар. Чунки ҳамият, тарафкашлик ва ҳавойи нафсни афзал кўриш қоралангандир. Аллоҳ бундай фахрланишни ҳаром қилган. Аслида эса пайғамбарларнинг бир-бирларидан афзалликлари Қуръони Каримда ҳам собитдир.

Аллоҳ таоло дейди:

بَعْضٍ عَلَى بَعْضِهِمْ فَضَّلْنَا الرَّسُلَ تِلْكَ

«Ана ўшалар расуллардир. Уларнинг баъзиларини баъзиларидан афзал қилдик» (Бақара сураси, 253-оят).

بَعْضٍ عَلَى النَّبِيِّينَ بَعْضٍ فَضَّلْنَا وَلَقَدْ

«Батаҳқиқ, баъзи набийларни баъзиларидан афзал қилдик» (Исро сураси, 55-оят).

Демак, шундан фахр ёки камситиш юзасидан афзал қилиш қоралангани тушуниб олинади.

هَيْلَعٌ هَلَلَا يَلَصُ هَلْوَ
نَيْبٍ أَوْرِيخَاتِ أَلْ «مَلَسَ وَ
يِرَاخُبَلَا هَاوَرِ». «أَيُّبُ نَالَ
دِيغَسَ يِبَا نَعُ مَلَسُ مَو
(هُنَعُ هَلَلَا يِرَاخُبَلَا

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «**Анбиёларнинг бирларини бирларидан афзал қилманглар**», (Бухорий ва Муслим Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилишган) деган сўзлари ҳам шундай

тушунилади.

Имом Таҳовий «Шарҳи Маъонил Осор» асарида қуйидагича жавоб берганлар: «Аввалги икки ҳадисдаги қайтариқда хос равишда афзал қилиш назарда тутилган. Яъни, баъзи пайғамбарларни бошқаларидан айнан исмини айтиб, фалончи пистончидан афзал, дейилмайди. Аммо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Фахр эмас-ку, мен одам боласининг саййидиман»**, дейишлари муайян бир пайғамбардан афзалликни кўрсатмайди.

Баъзилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мени Юнус ибн Маттодан афзал кўрманглар»**, деганлар», дейишади. Аммо ҳеч ким худди шу ибора билан эътимодли китобларнинг бирортасида ҳам ривоят қилмаган. Бироқ «Саҳиҳи Бухорий»да **«Ҳеч бир бандага «Мен Юнус ибн Маттодан яхшиман», дейиш тўғри келмайди»**, деган жумла келган. Кўриниб турибдики, бунда мусулмонларнинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламини Юнус алайҳиссаломдан афзал қўйишларини ман қилиш йўқдир. Балки бунда мусулмонлар оммасидан бирортаси ҳам «Юнус алайҳиссалом ғазабланиб, қавмини ташлаб, денгизга қараб жўнаб кетворганлар. Охир-оқибат балиқнинг қорнига тушганлар», деб, ўзини Юнус алайҳиссаломдан устун қўйиши мумкин эмаслиги маъноси бор. Баъзи одамлар (мен ундай қилганим йўқ, демак,) Юнус алайҳиссаломдан яхшироқман, деган хаёлга бориши мумкин. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳеч бир бандага «Мен Юнус ибн Маттодан яхшиман», дейиш тўғри келмайди»**, деганлар. Яъни Юнус алайҳиссаломдан мазкур иш воқе бўлса ҳам, у кишининг мартабасига авом мусулмонлар эришолмайдилар. Агар улар авлиё, тақводор ва солиҳ одамлар бўлишса ҳам. Чунки набий бўлмаган одам набийдан афзал бўлиш у ёқда турсин, набий мартабасига ҳеч қачон ета олмайди.

Ақийдатут Таҳовия шарҳининг талхийси» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7619-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.